

**А Ж Р И М***(даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида)***Бўстон тумани****2023 йил 26 июнь**

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.М.Абдухаликов раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Ўрмоновнинг котиблигида аризачи [REDACTED] [REDACTED]нинг жавобгар [REDACTED]га нисбатан тақдим этган аризаси бўйича иқтисодий ишни аризачи вакили О.Эрматов (ишончнома асосида)нинг иштирокида Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

[REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Аризачи” деб аталади) иқтисодий судга ариза билан мурожаат этиб, [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб аталади)га нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида кўрсатма бериб, жавобгарга нисбатан иккита бир ҳил аризалар тақдим этилганлигини билдириб, даъвони қонуний ҳал қилишни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган, бироқ унинг вакиллари суд мажлисига келмади ва низо юзасидан ўз эътирозини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда “ИПК” деб аталади) 170-моддасининг учинчи қисмига асосан, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд юқоридаги қонун нормасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришликни лозим топади.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризачи 2023 йил 8 июндаги 03-40391532-сонли ариза билан мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддаси учинчи қисмининг 1-бандига асосан банклардаги ҳисобварақлари



бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 12 июндаги 4-1703-2302/1519-сонли ажрими билан

га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддаси учинчи қисмининг 1-бандига асосан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2023 йил 26 июнь куни соат 9-06га тайинланган.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини тарафлардан ундириш масаласини муҳокама этиб, давлат божи тўловини Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 9-моддасининг 19-бандларига асосан озод этилганлигини инобатга олишни лозим тиопади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 170, 195-моддаларига асосланиб, суд

**а ж р и м   қ и л а д и:**

нинг га нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Раислик этувчи**

**Ш.М.Абдухаликов**

